



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

**BUYRUGI**

2014-yil "13" 02

№ 60

Toshkent sh.

**Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида юритиладиган  
тиббий хужжатларни мувофиқлаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, жумладан қишлоқ врачлик пунктларида юритиладиган тиббий ҳисоб хужжатларини мувофиқлаштириш ва ягона шаклга келтириш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н:**

**1. Қуйидагилар:**

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб шакллари рўйхати 1-иловага;

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида юритиладиган журналлар рўйхати 2-иловага;

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида юритиладиган журнал шаклари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари:**

оила ва ҳудуд паспортлари туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пунктларидаги ҳар бир ҳудуд учун, умумий амалиёт шифокорининг кундалик қабул журнали ҳар бир умумий амалиёт шифокори ҳамда ҳамширанинг кундалик фаолият журнали ҳар бир ҳудуд ҳамшираси учун алоҳида тутилишини инобатга олган ҳолда муассасаларни тасдиқланган журналлар билан доимий асосда таъминланиши назоратга олсин;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ҳудуд ва оила паспортларини 2017 йил февралдан бошлаб юритсин;

тиббий ҳужжатларнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилишини назоратга олсин;

2017 йил февралдан бошлаб илова билан тасдиқланган янги шаклдаги тиббий ҳужжатларнинг тўлиқ юритилишига ўтилиши ва амалдаги тегишли буйруқларга ўзгартишлар киритилишини маълумот учун қабул қилсин.

3. ДПЁТББ бошлиғи в.в.б. Ф.Р.Шарипов, ОваБМҚББ бошлиғи М.Ф.Садыков ва вазирлик бошқарув аппарати бош мутахассиси Р.К.Салиходжаевалар:

янги шаклдаги тиббий ҳисоб ҳужжатларини юритиш бўйича вазирлик ишчи гуруҳи ва ҳудудий ишчи гуруҳ аъзоларининг иштирокида жойларда семинарлар ўтказсин ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг олиб борсин;

янги шаклдаги журналларни юритиш бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига доимий амалий ёрдам кўрсатилиши таъминласин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош бошқарма бошлиқлари, Саломатлик ва тиббий статистика институти директори Ж.Д.Муталовага ушбу буйруққа асосан, вазирликнинг 2006 йил 26 июндаги 287-сонли ва бошқа тегишли буйруқларга ўзгартиришлар киритиш бўйича 1 ой муддатда таклифлар киритсин.

5. ИМваИАББ бошлиғи ўринбосари Ё.Р.Файзуллаев бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини тиббий ҳисоб ҳужжатлари билан таъминлаш учун керакли миқдорда маблағлар ажратилишини таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

6. Мазкур буйруқ чиқарилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирининг:

2008 йил 4 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни ҳамда тиббий статистика тизими фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 238-сонли буйруғининг 4 ва 5 бандлари;

2012 йил 20 июлдаги “Қишлоқ врачлик пунктларида янги ҳужжат шакллари юритилиши ва тиббий ҳужжат шакллари мақбуллаштириш тўғрисида” ги 212-сонли;

2013 йил 17 майдаги “Бирламчи тиббий санитария муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 161-сонли;

2013 йил 13 ноябрдаги “Бирламчи тиббий санитария ёрдами тизими фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 380-сонли;

2013 йил 31 декабрдаги “Қишлоқ врачлик пункти тиббий ходимларининг юклама меъёрлари тўғрисида”ги 456-сонли;

2014 йил 17 мартдаги “Оилавий поликлиника тиббий ходимларининг юклама меъёрлари тўғрисидаги 100-сонли;

2014 йил 14 мартдаги “Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий-санитария ёрлами кўрсатишда мавжуд муаммоларни тизимли муҳокамасини ташкиллаштириш тўғрисида” 98-сонли;

2014 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси бирламчи тиббиёт муассасаларида контрацептив воситалар таъминот-логистика тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 168-сонли буйруқнинг 2-илоvasи;

2015 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2008 йил 4 июндаги 238-сонли буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида” 324-сонли;

2015 йил 3 декабрдаги “Аҳоли ўртасида юқумсиз касалликларнинг хавф омиллари скринингини ўтказиш тўғрисида”ги 469-сонли;

2016 йил 2 мартдаги “Аҳоли ўртасида юқумсиз касалликларнинг хавф омиллари скринингини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 106-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.М.Хаджибаев зиммасига юклансин.

Вазир



А. Икромов